ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТГА ДОИР ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Фурқат Исламович УТАПОВ
мустақил изланувчи
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада индивидуаллаштириш воситалари ичида энг кўп ҳуқуқий муомалада бўладиган товар белгиларига нисбатан параллел импорт билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар ёритилган. Хусусан, бунда “ҳуқуқларни тугаши”, “биринчи сотув доктринаси” каби ҳуқуқий тушунчалар, уларнинг мазмуни, шунингдек параллел импорт турлари, уларни қўллаш тартиби бўйича алоҳида давлатлар ва минтақалар (иттифоқлар) юзасидан фикрлар билдирилган ҳамда таҳлиллар амалга оширилган. Шунингдек муаллиф томонидан товар белгиларига нисбатан параллел импорт тегишли қонунчилик нормаларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий-назарий хулосалар қилинган.

Таянч сўзлар: интеллектуал мулк, товар белгиси, параллел импорт, “биринчи сотув доктринаси”, “ҳуқуқларни тугаши”, божхона органлари, ТРИПС битими.

АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН О ПАРАЛЛЕЛЬНОМ ИМПОРТЕ

Фуркат Исламович УТАПОВ
Независимый исследователь
Университет общественной безопасности
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются правовые вопросы, связанные с параллельным импортом товарных знаков, которые являются наиболее часто используемым средством индивидуализации. В частности, сформулированы и проанализированы такие правовые понятия, как «исчерпание прав», «доктрина первой продажи», их содержание, а также виды параллельного импорта и порядок его применения в отдельных странах и регионах (союзах). Автор также сделал научно-теоретические выводы по вопросам, связанным с совершенствованием соответствующих правовых норм параллельного импорта в отношении товарных знаков.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, товарный знак, параллельный импорт, «доктрина первой продажи», «исчерпание прав», таможенные органы, соглашение ТРИПС.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган йиғилишида маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш жараёни жуда ҳам суст эканлиги ҳамда ушбу даврда бор-йўғи 72 та маҳаллий тадбиркорлик субъектларига тегишли товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги таъкидланган [9].

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни кечмоқда. ЖСТ жаҳон иқтисодий тизимидаги халқаро глобал ташкилот ҳисобланиб, жаҳон савдосининг 90 фоизидан ортиғи айнан ЖСТ доирасида олиб борилмоқда. Шу сабабли мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда [3]. Бу борада Ўзбекистон олдида интеллектуал мулкнинг ҳимояси билан бир қаторда товар белгиларига доир параллел импорт билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Шу боис бу йўналишда биринчи навбатда ЖСТнинг ТРИПС битими нормаларини ўрганиш ва қонунчилигимиз ҳамда амалиётга жорий этиш билан бирга, параллел импорт соҳасида ўз миллий қонунчилигини етарли даражада ҳуқуқий тартибга солган мамлакатлар ҳамда минтақалар қонунчилик нормаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса, Европа Иттифоқи қонунчилигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Европа Иттифоқи товар белгиларига нисбатан ҳуқуқларни тугашининг минтақавий модели ҳануз амал қилади. Бу шуни англатадики, товар белгисига нисбатан ҳуқуқи эгасининг рухсати фақат ушбу товар белгиси остидаги маҳсулотларни Европа Иттифоқи ҳудудига олиб кириш учунгина талаб қилинади [10]. Иттифоқ мамлакатлари ўртасида эса товарларни олиб кириш эркин амалга оширилади ва товар белгиси эгаси томонидан чекланиши мумкин эмас.

Товар белгиларига нисбатан ҳуқуқларни тугашининг минтақавий принципи Европа Иттифоқи давлатларида 7-моддада мустаҳкамланган Европа парламенти ва кенгашининг 2008 йил 22 октябрдаги 2008/95/ЕС 281-сон директивасининг 7-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра товар белгиси эгасига ундан бошқа шахсларни фойдаланишини тақиқлаш имкониятини бермайди [11]. Бироқ бу ҳуқуқ эгаси ўзи эгалик қилаётган товар белгиси остидаги маҳсулотлар сифати назоратини қўлдан чиқаради дегани эмас, албатта.

Товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар тугашининг минтақавий принципи жорий этилганидан сўнг низолар ва унга доир суд амалиётидан келиб чиқиб, минтақавий тамойил ўрнига миллий тамойил қоидалари қўлланилиши юзага келди. Маълумки, Европа Иттифоқида миллий тамойилда товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси маҳсулотни тақиқлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида айтилганидек, параллел импортга нисбатан минтақавий қоидаларни қўллашни ўзгаришига биринчи сабаб бу товарларнинг қайта қадоқлаш билан боғлиқ ҳисобланади. Албатта, агар товарнинг ҳолати ёки уни қадоғи ўзгарса, товар белгисига нисбатан минтақавий тамойил ўзгарадими, ёки йўқми деган савол туғилади. Хусусан, Hoffmann-La Roche ва Centrafarm суд ишида Европа Иттифоқи суди товар белгисининг асосий функцияси сифатида “товар тайёрланганидан бошлаб, у истеъмолчи ёки охирги фойдаланувчига боргунга қадар шакли ва кўриниши ўзгармаслиги лозим” деган хулосага келган [12]. Шу сабабли ҳам товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси товарнинг қадоғи ўзгарганда уни қайта сотишга нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш керакки, айни шу каби низолардан кейин товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасининг иттифоқ ҳудудида унинг айланишига қаршилик кўрсатиши ҳуқуқига доир норма Товар белгилари тўғрисидаги Европа Иттифоқи директиваси 7-моддасининг 2-қисмидан ўрин олди [13].

Лекин шу билан бирга, Bristol-Myers Squibb ва Paranova суд ишида товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси қайта қадоқланган

маҳсулотлар импортига чеклов қўйилмаслиги борасида қуйидаги 5та ҳолат бўйича шартлар ишлаб чиқилган [4]:

– агар низоли товар белгиси остидаги қайта қадоқланган маҳсулотлар Европа Иттифоқи аъзо-мамлакатлари ўртасидаги бозорларни сунъий равишда бўлинишига олиб келишга сабаб бўлган тақдирда;

– агар маҳсулотни қайта қадоқлаш унинг ташқи кўринишига таъсир кўрсатмаган тақдирда, яъни маҳсулотнинг ўзига хослигини билдириб турувчи белгилар (колб, ампул, кабилар)ни олиб ташламаслик;

- агар янги қадоқда уни қайта қадоқлаган тайёрловчи ҳақида маълумотлар киритилган, лекин ушбу ҳолат нормал даражадаги қараш билан ўқилган тақдирда, яъни бунда истеъмолчи ушбу қадоқ товар белгиси эгаси томонидан эмас, балки учинчи шахс (сотувчи) томонидан тайёрланганлиги ҳақида билиши, тушунчага эга бўлиши керак;

- қайта қадоқланган маҳсулот товар белгиси ва/ёки унинг мутлақ ҳуқуқлари эгасининг репутациясига нисбатан зарар етмаслиги керак. Яъни қайта қадоқланган маҳсулот камчиликлар, сифатнинг бузилиши ёки қадоқнинг сифатсиз тарзда амалга оширилишидан холи бўлиши лозим саналади;

- агар импорт қилувчи субъект товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига нисбатан маҳсулотларни қайта қадоқлаган ҳолда импорт қилаётганлиги ва ҳуқуқ эгасининг талабига кўра, унги қайта қадоқланган маҳсулотдан намуна юборган тақдирда.

Юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, Европа Иттифоқи қайта қадоқланган маҳсулотларни иттифоқ ҳудудида ҳаракатланишига рухсат беради ва ўз навбатида, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси бирон-бир тақиқни амалга оширолмайди.

Бу йўналишдаги Сингапур давлати тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу мамлакат 1965 йилда мустақилликка эришганидан сўнг, Сингапур мустамлакачилик қонунчилигидан, шу жумладан 1938 йилдаги товар белгиси бўйича қонундан товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш

амалиётида фойдаланишда давом этди. Ушбу даврда ўрнатилган суд амалиётига кўра, параллел импорт бўйича мамлакатга олиб кирилган маҳсулотлар, бевосита товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси томонидан олиб кирилган маҳсулотдан сифат жиҳатидан фарққа эга бўлмаслик шарти мавжуд бўлган. Сингапурда 1998 йилда қабул қилинган Товар белгилари тўғрисидаги Қонун ҳуқуқларни тугашига нисбатан халқаро тамойил қоидаларини киритди [14]. Унга кўра, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси томонидан ёки унинг розилиги асосида Сингапур ҳудуди ёки мамлакат ташқарисида фуқаролик муомаласига киритилган маҳсулотларга нисбатан ҳуқуқларнинг бузилмаслиги қоидаси мустаҳкамланди. Қисқача айтганда, Сингапурда қўлланиладиган сотувнинг биринчи доктринаси ҳуқуқ эгаси томонидан бирон-бир шартли ёки бошқача шаклда берган розилиги асосида амалга оширилишини англатади.

Сингапур қонуншуносларига кўра, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни тугашига нисбатан халқаро тамойилнинг қўллашдан мақсад истеъмолчиларга паст нархларда сифатли ва оригинал маҳсулотларга нисбатан сотиб олиш имкониятини яратишдан иборат [5]. Шуни таъкидлаш керакки, Сингапур давлати ҳуқуқларни тугашинининг халқаро тамойилини нафақат товар белгисига, балки муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи объектларига нисбатан ҳам танлаган [15]. Шу боис, ушбу қоида жаҳонда мавжуд амалиётга нисбатан зад саналади. Маълумки, ҳуқуқларни тугашига нисбатан параллел импортнинг миллий, минтақавий ва халқаро тамойиллари одатда товар белгисига нисбатан қўлланилади. АҚШда эса ҳуқуқларни тугашининг халқаро тамойили товар белгилари ва муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан қўлланилиб, патент ҳуқуқи объектларига ушбу қоидалар қўлланилмайди [6].

Айни шу жойда ҳам ўзига хослик мавжуд. Хусусан, Сингапурда патент ҳуқуқи объектларига нисбатан параллел импорт қоидалари тиббиёт буюмларига нисбатан қўлланилади ва бу қоида бевосита ЖСТнинг ТРИПС битими 31bis-моддасига мос тушади [16]. Бу каби қоида Гонгконгда ҳам

мавжуд бўлиб, ҳуқуқларни тугаши тамойили муаллифлик ҳуқуқида фақатгина дастурий таъминот маҳсулотларига қўлланилиши билан чекланилган [7].

Шу ўринда айтиш жоизки, жаҳон амалиётида параллел импорт тарафдорлари ва унга қарама-қаршилар юзасида турли қарашлар ҳамда назариялар мавжуд. Эътиборлиси, ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб уни қўллаш ёки қўлламасликни белгилайди. Масалан, Хитой қонунчилигида товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг тугаши тўғрисидаги аниқ қоидалар йўқ, бу эса судларга қонунни “миллий савдо манфаатлари” фойдасига талқин қилиш имкониятини беради [1].

Фикримизча, Ўзбекистон параллел импорт юзасидан ягона қарорга келиш борасида ЖСТнинг ТРИПС битимидан келиб чиқиши керак. Бундан ташқари, албатта миллий манфаатларимиз биринчи ўринда бўлиши лозим. Хусусан, ТРИПС битимининг 51-моддасида божхона органлари томонидан маҳсулотларни муомалага киритишда (олиб киришда) тўхтатиш ваколатига тўхталиб ўтилган. Мутлақ ҳуқуқлари бузилган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолда тайёрланган товарлар юзасидан ҳуқуқ эгасида шубҳа пайдо бўлганда, товар белгиси мутлақ ҳуқуқлари эгаси ваколатли органга ёки суд органларига товарларни муомалага киритишда божхона органлари томонидан уларни тўхтатиб туришга доир мурожаат қилиш ҳуқуқини беришини назарда тутган. Шунингдек, ушбу модда нафақат импорт қилинаётган, балки экспорт қилинаётган товарларга нисбатан ҳам худди шундай ҳаракатни амалга оширишни ЖСТга аъзо давлатларга тавсия этган [17].

Бугунги кунда мамлакат ташқи савдо айланмасида “параллел импорт” (параллел импорт – ҳуқуқ эгасининг розилигисиз асл интеллектуал мулк обьектларини мамлакат ичкарисига импорт қилиниши) ҳажмининг катта улушга эга бўлишини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига жиддий таъсир қилади. Бунинг натижасида

жаҳоннинг машҳур корхоналари ўзларининг товарларини Ўзбекистон бозорига таклиф қилмайди ҳамда ўзининг машхур товар брендини ҳимояланишига ҳеч қандай кафолат йўқлигига ишонади [2].

Маълумки, 2024 йилнинг 27 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг аҳамияти юқорида келтирилган қонундан кам бўлмай, интеллектуал мулкка доир тартибларни янада такомиллаштиришга қаратилган. Зеро, божхона органларининг интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлашдаги асосий роли “параллел импорт”, “интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри”, “биринчи сотув доктринаси” каби қоида ва механизмлар билан белгиланади. Шунингдек, ТРИПС битимининг 4-қисми бевосита чегарага доир муносабатларнинг муҳим талабларига бағишланган. Айнан мазкур қисмда товарларни божхона органлари томонидан тўхтатиш, “ex officio” тизими, товар эгаси ва импорт қилувчига етказилган зарарни қоплаш ва бошқа шу каби божхона фаолияти билан боғлиқ қоидалар мавжуд.

Ўзбекистонда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспортга йўналтирилаётган миллий маҳсулотларимизни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазасини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро нормалар ва ЖСТнинг ТРИПС битими нормаларидан келиб чиққан ҳолда параллел импортга доир ягона тартибини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳат айни Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолик жараёнидаги миллий қонунчилигимизга ТРИПС битими нормаларини уйғунлаштиришда муҳимдир [8].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нырова Н. Параллельный импорт – за и против // Журнал «ИС. Промышленная собственность», 2007. – № 7. – С. 4-18.

2. Нурматов У. Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини божхона органлари томонидан аниқлаш амалиётини такомиллаштириш //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, № 2, mart-aprel, 2020 yil.

3. Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea, 2022. – С. 467-471.

4. Joined Cases 427, 429, & 436/93, Bristol-Myers Squibb v. Paranova, [1996] E.C.R. I-3457 // Информационный портал EUR-Lex. URL: https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A61993CJ0427 (дата обращения 15.03.2018).

5. Manufacturing and Distribution Strategies, Distribution Channels, and Transaction Costs: The Case of Parallel Imported Automobiles, 34 Managerial & Decision Econ. 44 (2013).

6. Mary LaFrance, Wag The Dog: Using Incidental Intellectual Property Rights to Block Parallel Imports, 20 Mich. Telecom. & Tech. L. Rev. 45 (2013).

7. Hong Kong Copyright Ordinance, No. 528, (1997) WIPO Lex. No. HK 001, ss. 35, 35A (H.K.).

8. Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.

9. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди. https://president.uz/uz/lists/view/3887

10. Договор о функционировании Европейского союза (Рим, 25 марта 1957 г.) (в редакции Лиссабонского договора 2007 г.) // Информационный портал «Право Европейского союза». URL: http://eulaw.ru/treaties/tfeu

11. Official Journal of the European Union. 2008. L. 299. P. 25 // Информационный портал EUR-Lex. URL: https://eurlex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=OJ%3AL%3A2008%3A299%3ATOC

12. Case 102/77, Hoffmann-La Roche v. Centrafarm, [1978] E.C.R. 1139, 1164 // Информационный портал EUR-Lex. URL: https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A61977CJ0102

13. Директива №2008/95/ЕС Европейского парламента и совета о сближении законодательств государств-членов в отношении товарных знаков и знаков обслуживания (Страсбург, 22 октября 2008 г.) // Информационный портал «Всемирная организация интеллектуальной собственности». URL: http://www.wipo.int

14. Singapore Trade Marks Act. November 26, 1998. S. 29 // Singapore Statutes Online. URL: https://sso.agc.gov.sg/Act/TMA1998

15. Singapore Trade Marks Act. November 26, 1998 // Singapore Statutes Online. URL: https://sso.agc.gov.sg/Act/TMA1998

16. Singapore Patents Act. November 25, 1994. S. 66 (5a) // Singapore Statutes Online. URL: https://sso.agc.gov.sg/Act/PA1994

17. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf